

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

341 **Микрокредит ташкилотларида аудит текширувлари-
ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379*

(2012 йил 27 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 июнь,
19/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
23 июндаги 19/4-сонли қарорига
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда) мувофиқ, микрокредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотларни аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
аудиторлик ташкилоти — танлов асосида танлаб олинган аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахс;
аудиторлик текшируви — молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда Марказий банк деб аталади) меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида микрокредит ташкилотининг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир;
аудиторлик ҳисоботи — аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва микрокредит ташкилоти раҳбарига, мулкдорига, иштирокчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат;

аудиторлик хулосаси — микрокредит ташкилотида молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг конун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, микрокредит ташкилоти молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

2. Микрокредит ташкилотларининг фаолияти ҳар йили молиявий йил якуни бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиши шарт.

3. Микрокредит ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда аудиторлик ташкилотлари, авваламбор даромадлилик (рента-беллик), капиталдан фойдаланиш даражаси, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва ўзини-ўзи молиялаш даражаси, ишдаги фаоллик мезонларидан келиб чиқади.

4. Аудиторлик текшируви аудиторлик текшируви ўтказилишини қўзғатувчи микрокредит ташкилоти, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида конун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга иштирокчилар (акциядорлар), назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра ўтказилиши мумкин.

5. Айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир микрокредит ташкилоти фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йўл қўйилмайди.

6. Аудиторлик ташкилоти айнан бир микрокредит ташкилотининг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

II боб. Микрокредит ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотларини танлаш шартлари ва талаблари

7. Микрокредит ташкилотлари аудиторлик ташкилотларини танлов асосида танлаб олади. Танлов аудиторлик текширувини ўтказишда манфаатдорлик билдирган камида учта аудиторлик ташкилотининг таклифларидан иборат бўлиши ҳамда танловда иштирок этувчи аудиторлик ташкилоти бошқа аудиторлик ташкилоти таклифининг мазмунидан беҳабар бўлиши керак.

8. Микрокредит ташкилоти ва аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган шартнома ва битимларда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини Марказий банкка тақдим этишни чеклаш бўйича қоидалар кўзда тутилмаслиги лозим.

III боб. Аудиторлик текширувини ўтказишда микрокредит ташкилоти ва аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган микрокредит ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш;
ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилаётганда аудиторлик текширувининг йўналиши ва ҳажмини белгилаш;
аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги зарур ахборотни аудиторлик ташкилотидан олиш;
аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини олиш;
бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида ҳамда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни тўғрилаш ҳақида аудиторлардан маслаҳат ва тавсиялар олиш.

10. Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган микрокредит ташкилоти:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериши, унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот тузиш қоидалари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартиби бузилишларини бартараф этишга мажбурдир.

Микрокредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

11. Микрокредит ташкилоти ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга халақит бериш мақсадларида у ёки бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

12. Микрокредит ташкилоти аудиторлик текширувлари яқунлангач, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси, шунингдек аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган микрокредит ташкилотининг молиявий ҳисоботининг нусхаларини Марказий банкка тақдим этиши лозим.

13. Микрокредит ташкилотлари ҳар йилги молиявий ҳисоботни унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача матбуотда эълон қилишлари лозим.

14. Микрокредит ташкилоти аудиторлик текширувини ўтказишга доир шартномага мувофиқ аудиторлик хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

15. Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини белгилаган орган ҳисобидан амалга оширилади.

16. Аудиторлик ташкилотлари:

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текширувини олиб бориш шакллари ва услубларини мустақил равишда белгилаш;

аудиторлик текширувини ўтказишда микрокредит ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиш, шунингдек ушбу ҳужжатда ҳисобга олинган ҳар қандай мулкнинг аниқ мавжудлиги ёки ҳар қандай мажбуриятларнинг аниқ ҳолатини текшириш;

аудиторлик текшируви давомида юзага келган саволлар бўйича микрокредит ташкилотининг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

микрокредит ташкилотидан учинчи шахслар ахборотининг ёзма тасдиқномасини олиш;

микрокредит ташкилоти ишончли аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун барча зарур бўлган ахборотни бермаган тақдирда аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлар ва бошқа мутахассисларни иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш;

аудиторлик текширувини олиб бориш даврида микрокредит ташкилотига бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, олиб бориш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан ташқари профессионал хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

17. Аудиторлик ташкилотлари:

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талаблари ва шартларига амал қилиши;

микрокредит ташкилотининг талабига кўра аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларидаги талаблар, аудиторнинг фикр-мулоҳазалари асосланадиган ҳуқуқий нормалар тўғрисида ахборот тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларни сир сақлаши;

аудиторлик ҳисоботида молия-хўжалик операцияларининг қонунийлигини бузиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни акс эттириши;

микрокредит ташкилоти фаолиятини аудитдан ўтказган аудиторлик ташкилоти микрокредит ташкилотига унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда, бу ҳақда микрокредит ташкилоти раҳбариятига, мулкдорига, таъсисчиларининг умумий йиғилишига маълум қилиши ҳамда аудиторлик ҳисоботида тегишли қайдни киритишга мажбур. Зарур ҳолларда, аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**IV боб. Аудиторлик текширувини ўтказишда
аудиторлик ташкилотининг мустақиллиги ва холислиги**

18. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида:

аудиторлик текшируви натижалари бўйича микрокредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлашлари;

аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан микрокредит ташкилотининг юқори бошқарув органига тавсиялар киритишлари;

аудиторлик текшируви жараёнида микрокредит ташкилотининг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорати аҳволи, молиявий ҳисоботлари, кредит портфелини таҳлил қилиш, берилган кредитлар бўйича захиралар ҳажмига, тавakkалчилик ва ликвидлилик кўрсаткичларига баҳо бериш ҳамда унинг фаолияти қонун ҳужжатларига, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мослигини таҳлил қилишлари лозим.

19. Аудиторлик ташкилоти аудиторлари микрокредит ташкилотидан мустақил бўлишлари лозим, яъни текширилаётган микрокредит ташкилоти раҳбарлари ва (ёки) бошқа мансабдор шахслар билан яқин қариндош бўлган, ушбу ташкилотларда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатлари бўлган шахсларга ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади.

**V боб. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига
қўйиладиган талаблар**

20. Аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан микрокредит ташкилотининг юқори бошқарув органига қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик хулосаси ва аудиторлик ҳисоботи тақдим этилиши лозим.

21. Аудиторлик текшируви микрокредит ташкилоти иштирокчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

22. Микрокредит ташкилотининг йиллик молиявий ҳисоботи аудиторлик хулосасига узвий боғлиқ ҳужжат бўлиб, у хулосага илова қилиниши лозим.

23. Микрокредит ташкилотининг қуйидаги молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим:

баланс ҳисоботи;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида жамланма ҳисобот;

асосий ҳисоб сиёсатлари ва тушунтирувчи изоҳлар.

24. Аудиторлик ҳисоботи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

а) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги қисмни, жумладан:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

бухгалтерия ҳисоботини юритишда ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда белгиланган тартибларни бузилиш ҳолатлари аниқланганда, уларни тавсифлаш;

б) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда микрокредит ташкилотининг:

капитали етарлилигига баҳо бериш, шунингдек устав капиталини ўз вақтида ва тўлиқ шакллантиришини текшириш;

даромадлари ва харажатлари таҳлили, шу жумладан солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиниши таҳлили;

кредит портфелига баҳо бериш;

активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш, улардан фойдаланиш ҳамда ҳисобдан чиқариш сиёсатига баҳо бериш; хавф-хатарларни бошқариши бўйича маълумот;

ички назорат тизимига баҳо бериш;

аввал ўтказилган аудиторлик текшируви юзасидан берилган тавсияларнинг бажариши тўғрисида маълумот.

25. Ўтказиладиган текширувлар бўйича барча ҳисоботларда микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи фаолияти баҳоланишини, тавсия қилинган тузатишлар, аниқланган камчиликлар ва қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

26. Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир бети аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган бўлиши керак.

27. Ҳисоботлар бевосита микрокредит ташкилоти юқори бошқарув органига кўриб чиқиш ва кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим. Ҳисобот нусхалари тасдиқлангандан кейин микрокредит ташкилотининг ижро этувчи органига ижро қилиш учун берилиши керак.

VI боб. Якуний қоидалар

28. Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

30. Микрокредит ташкилотининг юқори бошқарув органи йил якунла-

ри бўйича молиявий ҳисобот тайёрланиши ва бунинг учун аудиторлик ташкилотини жалб қилиниши учун масъул ҳисобланади.

31. Микрокредит ташкилоти фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлик ташкилотлари микрокредит ташкилоти ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда микрокредит ташкилотининг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри яқундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

32. Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида микрокредит ташкилоти ва (ёки) аудиторлик текшируви буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти томонидан қопланиши шарт.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.